

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
“МАЪРИФАТ” ТАРҒИБОТЧИЛАР ЖАМИЯТИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ**

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ РЕНЕССАНС САРИ!”

**Республика илмий-амалий конференция
материаллари тўплами**

Тошкент – 2021

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
“МАЪРИФАТ” ТАРҒИБОТЧИЛАР ЖАМИЯТИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ**

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ РЕНЕССАНС САРИ!”

**Республика илмий-амалий конференция
материаллари тўплами**

2021 йил, май

Тошкент – 2021

“Янги Ўзбекистон – янги ренессанс сари!” Республика илмий-амалий конференция. – Тошкент, 2021. – 350 бет.

Мазкур Республика илмий-амалий конференция материаллари Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 16 апрель 7-сонли мажлисида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Тўпلام Республика Маънавият ва маърифат маркази Илмий-услубий кенгашининг 2021 йил 27 апрелдаги 3-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Ташкилотчилар:

Республика Маънавият ва маърифат маркази,
“Маърифат” тарғиботчилар жамияти
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Самарқанд давлат университетининг

Маъсул муҳаррирлар:

- М.Қуроно**в – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор
Б.Хусанов - “Маърифат” тарғиботчилар жамияти раҳбари

Конференция ташкилий гуруҳи:

Аъзолар:

- 1. Назаров Фарход** – Республика Маънавият ва маърифат марказининг Самарқанд вилояти бўлими раҳбари.
- 2. Ғуломов Ҳумоюн**– Республика Маънавият ва маърифат маркази “Маърифат” тарғиботчилар жамияти бўлим бошлиғи.
- 3. Жабборов Хазрат** – Тошкент давлат шарқшунослик университети, “Педагогика ва психология” кафедраси доценти, психология фанлари бўйича фалсафа доктори, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси.
- 4. Самадов Актам** – Самарқанд давлат университети доценти, фалсафа фанлари доктори.
- 5. Мустафаев Шомурод** – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори.
- 6. Аллаёрова Марҳаб**о – фалсафа фанлари номзоди, доцент.
- 7. Турсунова Олмос**– фалсафа фанлари номзоди, доцент.
- 8. Ахмедов Акмал** – фалсафа фанлари номзоди, доцент.
- 9. Тошқуватова Раъно**– фалсафа фанлари номзоди, доцент.

*Тўпلامдан ўрин олган мақолалар мазмуни ва аниқлиги учун муаллифлар масъул.

© Республика Маънавият ва маърифат маркази,
“Маърифат” тарғиботчилар жамияти, 2021

Hozirgi taraqqiylashib borayotgan informatsionlashgan davrda va jamiyatda, har birimizning faoliyatimiz soʻzsiz innovatsion texnika va texnologiyalar bilan oʻzaro bogʻlanib bormoqda. Ayni vaqtda innovatsion texnologiyalar va internet olamisiz hayotimizni tasavvur qilib boʻlmaydigan vaqtda tarmoqlardan oʻrinsiz maʼlumotlarni qidirish bilan oʻvora boʻlmasdan, uning ijobiy imkoniyatlaridan yurtimiz shon-shuhratini dunyo miqyosida targʻib qilish, hamda oʻzimizning maqsadli ehtiyojlarimizni qondirish maqsadida foydalansak yanada ulkan zafarlarga ega boʻla olamiz.

Har bir sogʻlom ong sohibi oʻzida innovatsion tafakkurlash qobiliyatini imkoniyat darajasida shakllantira olsa, atrofdagilarga nisbatan noodatiy tarzda kengroq va tushunarliroq fikr yurita oladi, oʻz nutqini erkin bayon qila oladi, hamda hayotda oʻzining yuqori mavqeiga ega boʻladi. Shunday ekan oʻz ustimizda doimo izlanishda va harakatda boʻlishimiz bugungi zamon talabidir.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyhati:

1. Sultanova G.S. Bilish falsafasi. Oʻquv-uslubiy qoʻllanma.Samarqand. 2020, - B. 160.
2. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 22-dekabrda Oliy Majlisga Murojaatnomasida soʻzlagan nutqi. T.: “Oʻzbekiston”. NMIY, 2018. -B.20.
3. uz.wikipedia.org.
4. strategy.uz. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida soʻzlagan nutqidan.
5. Mark Menson.Hammasi rasvo.T.: “Muharrir”. 2020. - B. 239.

ХОТИН ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Д.Ш.Баратова – Бухоро давлата университети, “Психология” кафедраси
доценти, психология фанлари номзоди
С.Ф.Саматова -психолог

Маълумки, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий фаолиятини ошириш, уларни жамиятдаги ҳар бир жабҳага тортиш мақсадида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ жамоат бирлашмалари, ижтимоий жамғармалар ва шу кўринишдаги муассасаларни тузиш учун кенг имкониятлар яратилди. Мамлакатимиз Асосий қонунининг 56-моддасига мувофиқ "Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий

уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади"⁷.

Хотин-қизлар фаоллиги аёллардан маънавий-руҳий ишчанликни, самарадорликни тақозо этади, унинг негизида муайян мақсад, унга эришиш йўлидаги хатти-ҳаракат, энг муҳими, унинг жисмоний ва ақлий кучларининг жунбушга келишини тақозо қилади, Фаоллик намоён бўлишининг шакллари хилма-хил мавжуд, улар инсоннинг эътиқоди, қобиляти, истеъдоди, ишончи билан суғорилган бўлади. Ижтимоий-маънавий ҳаётдаги фаоллик инсон (аёллар)нинг жамиятнинг барча соҳаларида ишчанлик, омилкорлик билан ишлашни назарда тутди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг, республика хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг №-3434 сонли Фармонида кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа давлат тузилмалари хотин - қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, оилада, жамият ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ўрнини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни танқидий баҳолаб, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва янгиланишлар ислохотларнинг мавқеи даражасига кўтариш вазифаси белгилаб берилган.

Бутун маърифий дунёда хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежиз эмас. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги ҳақида, узоқ гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Албатта, мана шундай интилишларни амалга ошириш мақсадида давлат, давлат тизими ва ҳокимият четда турмасдан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини амалда жорий этишни давлат сиёсати даражасига кўтаришга ўз ҳиссасини қўшиши керак. Шу дин билан боғлиқ урф-одатларга мусулмон фарзандлари сифатида барчамиз ҳам риоя қиламиз. Бу - инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Шундай экан, маҳаллалар хотин-қизлари орасида ана шу урф-одатларга тўла амал қилинаётгани ҳам - бор ҳақиқат. Буни кўрмаслик ва сезмаслик мумкин эмас. Шу сабабли бундай аёлларга зарур ёрдам кўрсатиб, қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларни маҳалла бошқаруви таркибига киритиш, жойларда ҳокимликлар, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари, диний ташкилотлар улар билан ҳамкорликда иш олиб боришни янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, "Ўзбекистон", 2018 йил, 11-бет.

борада бизнинг ҳаёт тарзимизга, миллий-диний қадриятларимизга зид бўлган носоғлом қарашларга, жангарилик, мутаассиблик кайфиятларининг тарқалишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ 3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғриси”ги қарорида “Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка худудлар ва маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда қутилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда.”⁸

Бугунги кунда ижтимоий ва маънавий кўмакка муҳтож бўлган хотин-қизлар билан тизимли ишларни ташкил этишга қаратилган илмий-амалий тавсиявий қўлланма ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Айниқса, маҳалалалар дуч келаётган ёт мафкуравий таъсирлар, уларни ижтимоий педагогик, илмий, назарий ва амалий ўрганиш, маҳаллаларда ғоявий тарғиботни ташкил қилиш ҳар қачонгиданда долзарблигини ҳаёт кўрсатмоқда. Шу мақсадда, барча тарғиботчилар учун мўлжалланган қўлланма тайёрланди ва мазкур қўлланма ҳар бир тарғиботчи учун дастурир амал бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат беради. Жумладан:

биринчидан, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизими мавжуд эмас, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан яқка тартибда иш олиб

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ 3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғриси”ги қарори

бориш амалиёти йўлга қўйилмаган, хотин-қизлар ўртасида бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича фаолият самарасиз ташкил этилган;

иккинчидан, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий негизлари ва анъанавий оилавий қадриятларини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб борилмаяпти, эрта никоҳларнинг, оилалардаги низоли ҳолатлар ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича чораларнинг самарадорлиги паст даражада қолмоқда;

учинчидан, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги фаолият етарли даражада ташкил этилмаган, оналар касаллиги ва перинатал касалликлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш бўйича самарали тизим, айниқса, чекка қишлоқ ҳудудларида мавжуд эмас;

тўртинчидан, хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўрилмаяпти, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга юридик маслаҳатлар бериш механизми замон талабларига жавоб бермайди;

бешинчидан, хотин-қизлар кўмиталарининг кенг кўламли вазифалари зарур ваколатларнинг йўқлиги ва ташкилий-штат бирликларининг етишмаслиги шароитида хотин-қизларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида уларнинг куч ва имкониятларини тўлиқ сафарбар этиш имконини бермаяпти;

олтинчидан, Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкилий бўйсунувининг ноаниқлиги ва зарур молиялаштириш манбаларининг мавжуд эмаслиги, оила муаммоларини ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан амалий, илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш бўйича унга юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишига тўсқинлик қилмоқда;

еттинчидан, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилани мустаҳкамлаш, низоли ҳолатлар ва ажрашишларнинг олдини олиш соҳасида кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича ишлар ташкил этилмаган.

Ижтимоий ва маънавий кўмакка муҳтож бўлган хотин-қизлар билан олиб бориладиган тарғибот принциплари:

Ижтимоий ва маънавий кўмакка муҳтож бўлган хотин-қизлар билан олиб бориладиган тарғибот ишларида тизимлилик, мақсадлилик ва манзилилик принципларига асосланиш мақсадга мувофиқ.

Мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган

тажовузларга қарши изчил манзилли кураш олиб бориш вазифаси тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги 2017 йил 28 июлдаги 3160-сонли Қарорида келтирилганидек, дунёда юз бераётган мураккаб гиосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бериш, **терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес** ва бошқа таҳдидларга қарши самарали **ғоявий кураш олиб бориш**; жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар – **эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик** каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий қилиш айниқса муҳим.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талабларига мос ривожлантириш бўйича ҳар томонлама асосланган чуқур таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш алоҳида вазифа этиб белгилаб берилган.

Шундай экан, бундай вазиятда Миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган маънавий таҳдидлар моҳиятини очиб бериш, мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини захарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш, маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказишни мунтазам йўлга қўйиш, ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан ишлаш, ушбу тоифани ижтимоий-иқтисодий фаоллаштиришда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарурати ошиб бормоқда.

Хотин-қизлар билан олиб бориладиган тарғибот тадбирларида куйидаги принциплардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

Тарғиботнинг ишонтириш принципи. Маънавий-маърифий тадбирлар асосан Ўзбекистон аҳлини ёрқин келажакка ишонтириш, уларни ҳозирги глобаллашув даврида кучайиб бораётган ички ва ташқи таҳдидларга қарши иммунитетини шакллантириш мақсадида ташкил этилади. Тадбир шундай қайфиятда ташкил этилиши керакки, унга кирган иштирокчилар ишончи кучайиб, мамнун чиқсин.

Одамнинг ҳар бир ҳодиса, нарсага шахсий муносабати бўлади. Ўзаро суҳбатда ёки тарбия, тарғибот мақсадларида, билиб ёки билмасдан киши ўз фикри орқали ўз муносабатларини ҳам бошқаларга улашади. Натижада, бир кишининг муносабати юзлаб кишиларнинг у ёки бу нарса, ҳодисага муносабатига айланиши мумкин. Чунки киши кўпинча ёнидаги суҳбатдошини нимагадир ишонтиришга, унинг хулқ-атворини ўзгартиришга, ўз фикрини унинг фикрига айлантиришга, ўз истакларини бошқаларнинг истакларига, ўз эътиқодининг бошқалар эътиқодига айланишига эришишга ҳаракат қилади. Бунга мисол қилиб тўй-маъракаларда, жамоат жойларида икки-уч киши орасидаги ўзаро баҳс-манзарасини келтириш мумкин.

Ишонтириш услуги ҳақида психологик-педагогик адабиётларда кўп ва хўб фикрлар билдирилган. Қисқача қилиб, ишонтиришни тарғибот нуктаи назаридан, А.нинг фикрини Б. томонидан далиллар, мисоллар, қиёслардан фойдаланиб, А.нинг мантиқий таҳлили чиғириғидан ўтказиб, тасдиқлатиб ўзгартириш, дейиш мумкин.

Одам ўз ҳаётида кўп нарсани кўради, кўп нарсдан таъсирланади. Бу таъсирлар унинг фикр-ўйи, нияти, ғояларига ўз таъсирини кўрсатмасдан қўймайди. Бироқ бу таъсирлар бирданига одамнинг хулқ-атворига айланиб ҳам қолмайди. Ақлнинг «фильтри», таҳлили ва «тасдиғи»дан ўтгач, фикр ғояга айланади. Шу сабабли у ёки бу фикр, ғоялар асосли, ўринли, ҳаққоний дейилади. Чунки одам уларни ўз фикрлари таҳлилидан ўтказиб қабул қилади.

Кўпинча, одам ўзи ишонган, чуқур ҳурмат қиладиган кишининг сўзини ҳеч бир таҳлил, мулоҳаза ва танқидсиз тўғридан-тўғри қабул қилади. Бунинг мисоллари жаҳон реклама-тижорат тарғиботида кўп учрайди. Хорижий ва миллий телерекламаларда экранлардан атокли киноактер, қизиқчи, қўшиқчиларнинг у ёки бу товарни реклама қиладиганини кўп кузатганмиз.

Шу тариқа, тарғиботнинг ишонтириш услуги харидорлар сонини ошира боради. Чунки одамларнинг севимли актёрга бўлган ихлоси, ижобий муносабати орқали товарга нисбатан ижобий муносабатюзага келади. Натижада, мухлислар ўзлари билмаган ҳолда ўша товарнинг харидорига айланади.

Одатда, ишонтириш усулида одам ўзига таклиф этилаётган фикрга ақлли, таҳлилий жавоб қайтариши учун унинг миёсидаги барча бўлинмалар орасида муваққат алоқалар ишга тушиши, ассоциация, тасаввур, тушунчалар ишлатилиши керак бўлади.

Коҳиннинг қироат оҳанги, шаман, фолбинларнинг қичқириқлари одам миясининг бир нуқтасини қўзғалтириб, қолган қисмини “фалажлантириб” қўяди. Бундай вазиятда тингловчининг чин юракдан билдирган шифо истаги шу истакка бутун мияни бўйсундириб беради.

Монотон оҳанг, ритмда, фикрни жамловчи бир-икки марказий тушунчани, сўзларни фаол такрорлашдан (бош миянинг бир нуқтасини муттасил қўзғатиб, бошқаларини ухлатиб қўйишдан) иборат.

Сўз – инсон учун шартли қўзғатувчи. У инсоннинг ўтган умри давомида бош миясида содир бўлган барча ички ва ташқи таъсирланишлар билан боғлиқ. У шартли қўзғатувчилар таъсири ҳақида сигнал беради. Самарали ишлатилган сўз, ҳатто, уларнинг ўрнини боса олади. Яъни нарса, ҳодиса ёки воқеани сўзда ифодалаш орқали шартли қўзғатувчи (ўша нарса, ҳодиса) туфайли содир бўлувчи барча хатти-ҳаракатларни пайдо қилиши мумкин (И.П.Павлов).

Тарғиботнинг тезкорлик принципи. Тарғибот, у ёки бу ижтимоий-сиёсий, мафкуравий ҳодисанинг содир бўлган вақтидан келиб чиқиб, уч турга бўлинади. Булар превентив (олдини олувчи, огоҳлантирувчи), параллел (воқеа содир бўлиши билан бошланувчи) ва воқеадан кейин бошланувчи тарғиботдир.

Тарғиботнинг превентив принципи. Одамларни содир бўлиши кутилаётган воқеа, ҳодисани тўғри қабул қилишга тайёрлайди. Тарғиботнинг бу турида содир бўладиган йирик воқеа, ҳодиса тўғрисида аниқ маълумотлар бериб борилади (масалан, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги, унинг жаҳон фани тараққиётидаги ўрни ҳақида ва ҳоказо).

Бу усул аҳолини мафкуравий хуружлардан огоҳлантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, бунда бузғунчи ғоя, мафкуралар ўз хужумини бошламай туриб, одамлар огоҳлантирилади. Иммунитет ҳосил қилинади. Натижада, амалга оширилган хуруж одамларда ҳосил бўлган иммунитет қаршилигига учраб, чилпарчин бўлади.

Тарғиботнинг тезкорлиги – ўта муҳим масала. Чунки биринчи маълумот одам хотирасида тез ва мустаҳкам ўрнашиб қолади. Вақт бой берилса, мафкуравий ғанимлар воқеа тўғрисидаги маълумотни ўз манфаатларига мослаб, тўқиб-бичиб, биринчи бўлиб етказишга эришишлари мумкин.

Тарғиботнинг параллел принципи – тарғиботнинг кенг тарқалган тури. Унинг мақсади – бошланган, давом этаётган воқеа-ҳодиса ҳақида маълумот тарқатиш, унинг мақсад-моҳияти тўғрисида одамларда етарли ва асосли билимларни ҳосил қилиш. Масалан, Олий Мажлиснинг бирор йирик масалага бағишланган йиғилиши, дейлик. Бунинг натижасида одамлар онгида содир бўлиши мумкин бўлган тушунмовчиликлар, ноаниқликлар бартараф этилади. Шу тариқа, одамлар янги билимларга эга бўлади.

Воқеа-ҳодисадан кейинги тарғиботнинг принципи . У содир бўлган йирик, муҳим воқеанинг аҳамиятини батафсил тушунтириш зарурати туғилганида амалга оширилади. Агар тарғиботнинг бу тури амалга оширилмаса, айрим кишиларда ахборот етишмаслиги туфайли воқеа

моҳиятини тўла тушунмаслик ва унинг оқибатида ўз ҳаёти ва фаолиятида шу масалада қандай йўл тутишни билмаслик ҳолатлари учраши мумкин.

Тарғиботнинг долзарб янгиликлардан фойдаланиш принципи. Одамларнинг онгига тез ва соз кириб боришга хизмат қилади. Долзарб янгилик бирор воқеага дахлдор, манфаатдор аҳоли қатламлари – зиёлилар, фермерлар, ёшлар ва ҳоказоларни тез қамраб олади. Тез ёйилади. Уларнинг қараш ва эътиқодларига таъсир қилади. Тез ва амалий натижа беради. Бунинг учун ёритиладиган воқеа-ҳодисани танлашда уларнинг аҳоли кўпчилик қисми учун муҳимлигидан келиб чиқилади.

Тарғиботнинг тушунарлилик принципи. Бугунги тезкор ҳаёт суръатида одамлар ўзлари дуч келаётган ахборот хуружлари, мишмишларда келтириладиган фактларни икир-чикирларигача таҳлил қилишга, фош этишга вақт топа олмасликлари мумкин. Кўпчилик бир фактнинг бошқа факт, воқеалар билан алоқаси, тарихини таҳлил қилиб ўтирмайди. Шунинг учун тарғиботда келтирилган факт, воқеанинг сабаблари, ҳолати ва оқибатларини пухта тушунтириш керак бўлади. Ғарб тарғиботчилари орасида кенг урф бўлган “воқеа эмас, унинг талқини муҳим”, деган қоида буни тасдиқлайди ва огоҳлантиради. Воқеа, фактни пухта тушунтириш одамларнинг идрокларини энгиллаштиради, тўғри нуқтаи назар ва муносабатни шакллантиради.

Тарғиботчи кўпроқ кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган сўзлардан фойдаланса, нутқи тушунарли бўлади. Расмиятчилик одамни бездиради. Тингловчилар билан расмий мажлис ўтказаетгандек оҳанг, мимика, кайфият, ҳолат ва методда эмас, гўёки шунчаки дўстона суҳбат қилаётгандек эркин ва самимий тарзда тадбир ўтказиш тарғиботчининг фойдасига ҳал бўлади.

Тарғиботнинг аҳолини тўла қамраб олиш принципи. Тасаввур қилинг, диний экстремизмга қарши огоҳлантирувчи тарғибот самарадорлигини қандай баҳоласа бўлади? Туман аҳолисининг 100 фоизи: диний экстремизм нималигини тушунтириб бера олса; ўзини ва атрофдагиларни бундан қандай ҳимоя қилишини кўрсатиб бера олса, бу туманда ҳеч ким диний экстремистик оқимга қўшилмайди. Чунки қамров 100 фоизга, кафолатли таъминланади.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

М.Х.Таджиева - Тошкент педагогика коллежи директори,

Н. С.Мўминова - Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг муҳим вазифаларидан бири миллий маънавиятни юксалтириш, миллий мафқурани шакллантиришдан иборат. Бу мураккаб ва долзарб вазифани ҳал этиш учун бўйб ўтилган тарихий йўлни таҳлил қилиш, ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш, шу асосда тарбия. айниқса, талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашга йўналтирилган педагогик тизимини яратиш зарурияти мавжуд.

7. Ижтимоий тармоқлардаги Мубашшир Аҳмад фикрлари.

МУНДАРИЖА

№	Муаллиф, маъюла мавзуси	Саҳифаси
1	Кириш	4-5
I. ШҶББ. МИЛЛИЙ ҶОЯ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҶАЛАРДА БОЙ ВА НОЁБ МЕРОСИМИЗНИ ИЛМИЙ АСОСДА ҲАР ТОМОНЛАМА ЧУҚУР ЎРГАНИШ: ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ИННОВАЦИЯЛАР		
2	Б.Хусанов. Ёзма манбаларда таълим-тарбия, ахлоқ ва ҳуқуқий маърифат масалалари	6-13
3	Х.Жабборов, Т.Носиров. Миллий ғоямиз – юксалиш ва фаравонлик омили	13-17
4	D.S. Samatova, Sh.N. Omanqulova. O‘quvchilarda milliy g‘oya va mafkurani shakllantirishda mumtoz musiqaning o‘rni	17-19
5	M.X.Ergasheva. Ta‘lim jarayonida milliy g‘oyani shakllantirishda tizimli yondashuv	19-21
6	I.Maxsutov, J.Dauletbayeva. Yangi O‘zbekistonda milliy g‘oya, madaniy-marifiy soxalarni chuqur organish: yangicha yondashuv va innovatsiyalar.	22-25
7	M.X.Ergasheva. Mafkuraviy jarayonlarni bilishda tizimli tahlilning o‘rni	25-28
8	J.Quchqorov. Dialektikasining milliy g‘oya va demokratik o‘zgarishlar “O‘zbek modeli” bosqichi	28-30
9	M.Ahmedova. Xorazm musiqa san‘ati asarlari nomlarini tadqiq qilishning ba‘zi masalalari.	31-33
10	K.Yaxshilikov, B.Muyassarov. Innovatsiyalarning shaxs ma‘naviyatiga ta‘siri	33-36
11	A.Абдурахимов. Ўзини ўзи бошқарув тизимида ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш	36-39
12	D.Аманова. Ўзини ўзи бошқарув тизимида ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш	39-42
13	О. Ф. Воynazarov. Informatsion madaniyat va ma‘naviyat	42-44
14	Д.Ш.Баратова, С.Саматова. Хотин кизлар ўртасида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш принциплари	44-51
15	M.X.Таджиева,Н. С.Мўминова. Мустақил Ўзбекистонда маънавий кадриятларнинг тикланиши	51-54
16	M.Мўминов. Сиёсий иммунитетни шакллантиришнинг инновацион омили	54-58
17	M.Мўминов. Янги ғоя – янги ёндашув	58-62
18	Ш.Х.Абдуллаева, Б.Махмадмуродов. Хотин-қизлар билан олиб бориладиган ғоявий тарғибот талаблари	62-70
19	Б.Мардонов. Ҳарбий таълим тизимида кадрларни тайёрлашнинг илғор хориж тажрибаси	71-74
20	Н.Назаров. Ўрхун ёзма ёдгорликларида эл бирлигини таъминлаш ғоялари	74-80
21	Н.С.Мўминова. Янги Ўзбекистонда мактабгача таълим мультимедия воситасидан фойдаланиб ўқитиш	80-84
22	Ш.Норов. Духовно-патриотическая поддержка подрастающего поколения в Узбекистане на основе государственной молодежной политики	84-87
23	И.И.Ризаев. Ижтимоий тизимни либераллаштиришда ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёни	87-91
24	M.X.Ergasheva. Ta‘lim jarayonida milliy g‘oyani shakllantirishda tizimli yondashuv	91-93

25	Т.М.Бурханов. Ёшларда ватанпарварлик ҳиссини ривожлантиришда инновацион технологияларнинг аҳамияти	94-96
II – ШҶБА: ЮРТИМИЗДА ЕТИШИБ ЧИҚҚАН МУТАФАККИР ВА АЛЛОМАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДА КРЕАТИВ ЁНДОШУВ ВА ҚАРАШЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ		
26	Ф.Мухитдинова. Шарқ уйғониш даври қомусий олими: Ибн Сино илмий меросининг ёшлар таълим-тарбисидagi ўрни ва аҳамияти	97-102
27	Х.Х.Жабборов, Б.Ҳакимов. Тарбияли ёки жоҳил фарзанд – танлов ўз қўлимизда!	102-106
28	М.Ҳажиева. Инновацион тафаккур ва шарқона маънавий-ахлоқий омиллар	106-110
29	С.Ходжаниязов. Тасаввуф ва Сулаймон Боқирғонийнинг педагогик ва дидактик ғоялари	110-113
30	У.Холиқов. Темурийлар даврида шахмат ўйини маънавий меросини ўрганишда креатив ёндашув	113-119
31	Ш.Ахмедов. Buyuk mutafakkir va allomalarga vatan bo'lgan yurt	119-122
32	F.Oblonazaro. Amir Temur shaxsi va uning jismoniy tarbiya tarixidagi o'rni	122-125
33	А.С.Собиров Мотурудий таълимоти. Қалом илмининг ижтимоий аҳамияти	125-128
34	S.Quvvatov. Alisher Navoiy ilmiy merosining yoshlarimiz tarbiyasida tutgan o'rni va ahamiyati xususida	128-131
35	А.Азизқулов. А.Алимов. Темурийлар даври мутафаккири Хусайн Воиз Кошифийнинг ахлоқий қарашларида муомала маданияти талқини	131-134
36	С.М.Азизов. Аждодларимиз маънавий меросида илм, маърифатни ривожлантириш негизлари	134-138
37	Р.Жуманиёзов. Маҳмуд Аз-Замаҳшарийнинг адабий – лисоний қарашлари	138-142
38	А.Т.Қулдошев. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ижтимоий фанларнинг аҳамияти	143-146
39	Қ.Қувақова. Мактабларда бугунги глобаллашув шароитида маънавий тарбияни амалга ошириш усул ва воситалари	146-148
40	Л.Г.Рахматуллаева. М.Р.Қамолава. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадриятларнинг ўрни	148-151
41	Ш.Б.Мурзаева. Барқамол шахс тарбиясида, буюк мутафаккирлар ўғитларининг аҳамияти	151-154
42	Н.Э.Тоғаев. Ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашда Имом Бухорий ҳадисларининг тутган ўрни	154-158
43	А.Р.Самадов. Шарқ ва ғарб мутафаккирлари асарларида инсон покланишининг эстетик моҳияти хусусида	158-160
44	Г.С.Султанова. Ал Хоразмий ижодида креатив тафаккур намуналари	160-163
45	Д.О.Norboyeva, М.Серикбаева. Siyosiy partiyalar va partiyaviy tizim	163-168
46	Д.Норбоева. Маъмурий жазо мақсади ва вазифалари	168-171
III - ШҶБА: ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ЖАДИД АЛЛОМАЛАРИМИЗНИНГ ТАРБИЯГА ОИД ТАЪЛИМОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ		
47	Д.Б.Бобожонова. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жадид алломаларимизнинг тарбияга оид таълимотларининг ўрни ва аҳамияти	171-178
48	Х.Жабборов. Г.Мухидова. Миллий тарбиянинг ижтимоий-психологик омиллари	178-183
49	Ш.С.Райимова. Ватанпарвар ёшлар – миллат таянчи	183-187

50	G.Sultanova. Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda jadid allomalarimizning tarbiyaga oid ta'limotlarining o'rni va ahamiyati	187-190
51	О.А.Алиев. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш – муҳим вазифа	190-192
52	М.М.Аллаярова. Янги Ўзбекистонда ёшларни соғлом дунёқараш ва бунёдкорлик руҳида тарбиялаш муаммолари	192-196
53	Ҳ.Ҳ.Ғофуров. Мактабгача таълим ташкилотлари педагог-ҳодимларида маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	196-201
54	Д.Ботирова. Миллий қадриятлар ва уларнинг шахс маданиятини шакллантиришдаги ўрни	201-203
55	М.Хидиров. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбия топишида шарқ мутафаккирларининг қарашлари	203-206
56	Ш.С.Жаббарова. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жаҳид алломаларимизнинг тарбияга оид таълимотларининг ўрни ва аҳамияти	206-210
57	М.М.Ризаева. Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларнинг маънавий дунёқарашини бойитишда Анвар Обиджон шеърятининг ўрни	210-214
58	Р.А.Хайдарова. Юксак маънавият эгаси – Маҳмудхўжа Бехбудий	215-218
59	К.А.Содикова. Жаҳид алломаларнинг мусулмон халқ дорилфунунининг ташкил этилишидаги ўрни	218-220
60	Н.Э.Тоғаев, А.С.Ботиралиева. Ёшлар таълим-тарбиясида жаҳид алломаларимиз таълимотларининг ўрни ва аҳамияти	220-224
61	О.Б.Раджапов. Зиёлилик маданияти ва маънавий-ахлоқий жиҳатлари	224-227
62	Р.А.Арзиев. Тәлимде шахсты мораллық тәрбиялаў мәселеси	227-231
63	Толыбаев М.Е. Ушинши ренессанс - миллий идея сыпатында	231-235
64	У.Раҳмонов, О.Раҳимов. Ёшларни ижтимоий-маънавий тафаккурини шакллантиришда шарқ уйғониш даврининг буюк алломаларини мусиқа санъатида тутган ўрни	236-242
65	Ф.Маллаева. Жаҳидчи маърифатпарварларнинг Марказий Осиё халқлари ҳаётида тутган ўрни	242-246
66	Ш.Я.Алимова, А.Э.Эшқобилов. Жамият тараққиётида ахлоқий тарбиянинг аҳамияти	246-251
67	А.А.Шаюсупова, Д.Сайдуллаева. Научно-педагогические воззрения мыслителей востока о познавательной деятельности	251-253
68	Д.Б.Ботирова, А.Ш.Холияров. Таълим ва тарбияга оид шарқ мутафаккирларининг қарашлари	253-255
IV – ШҶБА: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – РЕНЕССАНСНИНГ УЧИНЧИ ТЎЛҚИНИ: МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР		
69	Х.Жабборов. Янги Ўзбекистоннинг учинчи ренессанси - тараққиёт кафолати!	256-261
70	У.Т.Гафуров. Возрождение религиозного наследия предков – уверенный шаг на пути к третьему ренессансу	261-265
71	Z.Sh.Komilxo'jayev. Yangi renessans davrida liderlik qobiliyatini rivojlantirish orqali yoshlarning faolligini oshirish	265-267
72	Х.Х. Жабборов, Д.Ш.Баратова. Янги Ўзбекистон учинчи ренессансининг овози БМТ да янгради!	267-273
73	J.Muxlisa. Yangi O'zbekiston – renessansning uchinchi to'lqini: muammo va istiqbollar	273-276
74	R.Saurov. Initial conditions and conceptual guidelines for improving the institution of public services in Uzbekistan	276-280

75	А.Ахмедов. Осиёда IX-X асрларда илм-фан марказий ривожига сабаб бўлган тарихий омиллар	280-290
76	Б.О. Матчанов. Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни маънавий фазилатларини шакллантириш масалалари	290-293
77	К.Г.Матимов. Изучение духовного наследия – важнейшая задача периода третьего ренессанса	293-300
78	К.А.Юнусов. Ўзбекистонда учинчи ренессанс даври бошланишининг муҳим омили	300-304
79	М.Олтибоев. Янги Ўзбекистон – янги ўзгаришлар	304-306
80	Ҳ.М.Мизамова. Мактабгача таълим тизими – миллий тарбия оstonаси	306-309
81	А.Мўйдинов. Учинчи ренессанс асосларининг намоён бўлишида маънавийнинг ўрни	310-315
82	Л.А.Мухамедова. Илм-маърифатсиз инсон ўз ҳаётини йўлга қўя олмас	316-318
83	Д.Б.Бобожонова, О.Тоштемирова. Ёшлар маънавиятини юксалтиришда миллий қадриятларнинг ўрни	319-322
84	Д.О.Отажонова. Янги Ўзбекистон – ренессанснинг учинчи тўлкини муаммо ва истикболлар	322-327
85	М.М.Бафаев, Г.Салимова Ўзбекистонда бағрикенгликни шаклланиши тараққиёт омили сифатида	327-335
86	У.Қорабоев. Ренессанснинг уч тўлкини –ёхуд маънавий тараққиёт	335-339
87	Д.Ғ.Рахимов. Янги Ўзбекистонда давлат хизматини бошқариш тизимининг такомиллашуви	339-343
88	Ш.Ш.Раманова. Ренессанс моҳиятини белгилашда араб тили ва исломий илмлар аҳамияти	343-350